Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

16 4-йил чиқиши
АВГУСТ 1969 й.
ШАНБА
№ 191 (955).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Тошкентдаги пиллакашлик фабрикасининг коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, доҳий юбилейига муносиб тўёналар тайёрламоқда. Корхонанинг илғор ишчиси Насиба Содиқова ҳам меҳнат вахтасида туриб ишлаб, янгидан-янги зафарларни қучяпти. У шу кунларда шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

ЭЛЛИК БИРИНЧИ МАВСУМ

Бугун

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат Академик драма театрининг эллик биринчи мавсуми очилади.

— Азалий анъанамизга мувофиқ бу мавсум ҳам Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси билан очилади,— деди театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Т. Хўжаев. Шундан сўнг репертуаримиздан тушмай келаётган М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий», Шекспирнинг «Қирол Лир», «Гамлет» ва бошқа асарлар қўйила бошланади.

Биз бу мавсумда И. Султоннинг «Кўприк», Уйғуннинг «Паровоз», К. Яшининг «Йўлчи Юлдуз», О. Ёқубовнинг «Қадримга йиғлаймен», Э. Воҳидовнинг «Олтин девор», Ғ. Бобожоннинг «Инсу-жинс» каби асарларини саҳналаштирмоқчимиз.

Республика саҳна санъатининг оқсоқоли бўлган бу театр ижодкорлари ўлкамизнинг ва иттифоқимизнинг турли бурчакларида бўлдилар, ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Улар яна янги куч, янги ғайрат, илҳом билан қўллари кўксида — халқ хизматига тайёр! Уларнинг яна янгидан-янги асарлар билан дилларни хушнуд қилаверишига шак-шубҳа йўқ.

ДОҲИЙ СИЙМОСИ ПАННОДА

Бугун

ТОШКЕНТЛИК РАССОМ НИКОЛАЙ ВАСИЛЬЕВИЧ НАМ БУХОРО ШАҲРИГА ИЖОДИЙ КОМАНДИРОВКАГА ЖЎНАБ КЕТДИ. У ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ШАҲАРНИНГ ЗАРДЎЗЛИК ФАБРИКАСИДА ИККИ ОЙ МОБАЙНИДА УСТАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИЖОДИЙ ИШ ОЛИБ БОРАДИ.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли давлат махсус бадиий технология бюросининг рассоми Н. В. Нам улуғ доҳий Ленинимнинг ёрқин сиймосини акс эттирувчи панно яратган эди. Бу панноda доҳий ва совет Ўзбекистонининг гуллаб - яшнаётганлиги атрофлича бадиий бўёқларда тасвирланган. Панно министрликнинг бадиий Советида зардўзлик асосида тикишга таклиф қилинди. Бу ишни Бухоро зардўзлари бажаришни ўз зиммаларига олдилар.

Зардан тикиладиган бу асар Тошкентда бунёд этилаётган В. И. Ленин музейи филиали залларидан бирига қўйишга мўлжалланмоқда.

ПРОПАГАНДИСТЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДАЛАР

Тошкент областидаги 164 сиёсий маориф кабинетларида — штатли ва жамоатчилик асосларида ишлаётган кабинетларда пропагандистларнинг партия маорифи системасида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан учрашувлари ва консультацияларўтказилмоқда. Бунда асосий эътибор Ленинниг ғоявий меросини, коммунистик ва ишчи партиялар Халқаро Кенгашининг материалларини ўрганиш методикасига қаратилмоқда.

Тошкент сиёсий маориф уйида кабинет мудирларининг учрашуви ўтказилди. Бу учрашув ана шу масалага бағишланди. Кабинет раҳбари А. К. Сергеева сиёсий маориф уйлари мудирларининг Бутуниттифоқ семинари ишлари тўғрисида сўзлаб берди. Бу семинарда ўтган ўқув йилида марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш тажрибаси умумлаштирилди, янги ўқув йилида мактаб ва семинарлар раҳбарларига ҳар томонлама ёрдам уюштириш масалалари қараб чиқилди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН

Улуғвор беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг пўлат изсталари, ҳайдовчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар.

Трамвай-троллейбус деполарида, цехларда зиммага олинган мажбуриятни муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақа қизғин тус олмоқда.

Бошқармага қарашли 1-троллейбус депосининг ҳайдовчилари йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш билан ўзларининг ойлик ва квартал топшириқларини ўз вақтида уриллатмоқдалар. 200 ҳайдовчидан ташкил топган рул соҳиблари орасида илғорлар жуда кўп. Уларнинг кўпчилиги 8-троллейбус маршрутида аҳолига маданий хизмат кўрсатишади.

«Намунали ишлаб, давлат планларини оширибе бажаришга эришайлик!» — Депонинг 24 ҳайдовчиси ана шу шиор билан майдонга чиқдилар. Илғорлар ташаббуси депода кенг қанот ёймоқда. Ёшлар устоз ҳайдовчилар изидан бориб кунлик, ойлик йўловчилар ташиш планини ошириб адо этмоқдалар.

Моҳир ҳайдовчилардан Г. Камаев, Ғ. Тоҳров, Ғ. Диёрбеков, Я. Ҳамзаев кабилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Айни кунларда депо ҳайдовчилари орасида юбилейга шахсий меҳнат совғалари тайёрлаш қизғин тус олмоқда.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ — ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАММА

Бугун

тез медицина ёрдами станциясн ходимларидан бир группаси Вильнюс шаҳрига жўнаб кетмш-ди. Улар у ерда электрокардиограмм а и и телефон орқали бериш йўлларини ўрганишади.

Келгусида бу метод шаҳримизда ҳам қўлланилади.

ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИКЛАР

Партия, совет ходимлари, министрликлар ва бошқа идоралар раҳбарларининг саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш ташкилотларида ленинча жумаликларда учрашувлари тобора традицияга айланиб бормоқда. Куни кеча шаҳардаги 20 дан ортиқ йирик корхонада ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Районни ривожлантириш истиқболлари қандай бўлади? Ҳамза район ижроия комитетининг раиси Д. Шаҳбозовнинг шу ҳақдаги суҳбатини «Ташкентвино» комбинати ишчилари мароқ билан тинглашди.

* * *

Шаҳардаги савдо тармоқларининг келажак тараққиётига бағишланган суҳбат «Қизил тонг» фирмаси тикувчиларида катта таассурот қолдирди. Бу ҳақда республика савдо министрлиги бошқармасининг бошлиғи Н. И. Гранаткин сўзлаб берди.

* * *

Шаҳар суди раисининг ўринбосари Р. А. Муртазиннинг «Оила ва никоҳ» ҳақидаги янги қонунга бағишланган суҳбатини бадиий буюмлар фабрикаси меҳнаткашлари мароқ билан тингладилар. Улар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар.

* * *

Йўлдош шаҳарча Сергелида меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш перспективлари, мактаб ва мактабгача болалар муассасалари кенгайиши тўғрисидаги масалаларни ким билиши истамайди, дейсиз?

Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Абулғозиев, район халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш бўлимларининг мудирлари А. Жалилов, Ш. Шсабдукаримовларни н г ана шу темалардаги суҳбатлари «Октябрь 50 йиллиги» тикув фабрикаси, техника резиналари буюмлари ва темир бетон заводлари ишчиларини ғоят хурсанд этди.

Ленинча жумаликлар меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб борилаётган сиёсий тушунтириш ишларининг энг муҳим ва таъсирчан формаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бе ш к у н л и к в а д а м о л и ш

САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР

Шаҳримиз меҳнаткашлари икки кунлик дам олишни кўнгилли ўтказмоқдалар. Улар шаҳар атрофидаги хушманзара жойларга республика областлари ва иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам дам олиш учун жўнаб кетишмоқдалар.

Бугун

саёҳат ва экскурсиялар бюроси йўлланмаси билан пластмасса буюмлари заводидан 30 киши «Яшил кўл»га, «Ташхимсельмаш» заводидан 34 киши «Тошкент денгизи»га, Пахтачилик илмий-текшириш институтидан 45 киши эса Наманган дам олиш зоналарига жўнаб кетдилар.

Эртага шаҳар лойиҳалаш институтларидан 30 киши, майший хизмат кўрсатиш бошқармаси автобазасидан 30 киши, бадиий буюмлар фабрикасидан 30 киши, иттифоқимиз шаҳарларидан Тошкентга келган меҳмонлардан ҳам 30 киши Самарқандга жўнайдилар.

Шунингдек, «Қизил тонг» фирмаси ишчи ва хизматчиларидан 35 киши Тожикистон республикасининг Қайроққум денгизига йўл олишади. Ҳамон саёҳат ва экскурсия бюросига турли жойларга дам олиш ва саёҳатга бориш ҳақида илтимос номалар тушмоқда.

ИШЧИЛАР МАМНУН

Шу кунларда 1-нон заводи ишчилари комитети дам олишни кўнгилли ташкил этмоқда. Комитет ташаббуси билан 100 дан ортиқ киши беш кунлик меҳнатдан кейин дам олиш кунларини «Тошкент денгизи»да мароқ билан ўтказишади.

— Икки кунлик дам олиш нақадар мароқли бўлди,— дейди завод ишчилар комитети раиси А. М. Борисенко. Баракали меҳнатдан кейин музаффо ҳаво, сўлим жойларда мириқиб дам олиш ишчиларга жуда маъзур бўлди.

Биз «Тошкент денгизи»да, Чимён қучғида ва бошқа оромгоҳларда бир неча бор бўлдик. Келгуси режалар ҳам катта. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро шаҳарларига экскурсия қилишни планлаштирганмиз. Бундан ташқари Москва шаҳрига саёҳат қилиш ниятимиз ҳам бор.

ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШГАНИ


Беш кунлик иш ҳафтасидан сўнг мириқиб дам олишга, хордиқ чиқаришга нетсин! Ўзбекистон илмий-техника ахборот ва тарғиботи институтидан 35 киши оила аъзолари билан

Бугун

дам олиш учун Хумсонга жўнаб кетдилар. Улар ўзлари учун ажратилган оромгоҳда палаталар қуришиб, икки кун давомида тоғларга чиқишади, гуллар териб, чўмилиб, қовун-тарвуз сайлига чиқадилар.

Институт ходимлари бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туради.

Яқинда институт коллективи қадимий ва навқирон Самарқанд сафарига отланади.



Ёзнинг иссиқ кунларида баҳаво жойларда хордиқ чиқариш қандай яхши.

СУРАТДА: анҳор бўйида.

А. Тўхтахўжаев фотоси.



Қорақамиш массиви меҳнаткашларининг фарзандлари қурувчилардан яхши совға олдилар. Улар учун бу ерда замонавий янги мактаб бинокн қуриб берилди. Ушбу суратда ана шу янги мактаб бинокн акс этган.
Ю. Бутусов фотоси.

ЛЕНИН ЛЕКТОРИЙЛАРИ

Тошкент авиация заводи цехларида Ленин лекторийлари очилди. «Билим» жамияти завод ташкилотининг аъзолари тушки танаффус вақтларида қизил бурчакларда ва очиқ майдонларда лекция ўқимоқдалар. Корхона бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари кандидати И. А. Бекбулатов социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принциплари тўғрисида лекция ўқиди. Корхона ҳисобпаб марказининг техника фанлари кандидати А. Л. Вишневский завод мутахассислари учун «В. И. Ленин фан — техника тараққиёти тўғрисида» деган мавзуда лекция ўқиди.

Инженерлар Е. И. Кондратьев, И. Н. Лебедев ва «Билим» жамияти завод ташкилотининг бошқа аъзолари цех лекторийлар и н и н г ишида актив қатнашмоқдалар. Жамоатчи ходимлар кейинги вақтларда механика, тайёрлаш ва йиғув цехларида «В. И. Ленин социалистик демократия тўғрисида», «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири» деган мавзуларда ва бошқа мавзуларда лекция ўқидилар.

«Билим» жамиятининг аъзолари Ленин таълимотини ўрганиш халқ университетида ва сиёсий маориф кабинети ҳузурида ташкил этилган махсус семинарларда ўзларининг лекторлик маҳоратларини такомиллаштирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Ленинча меҳнат вахтасида

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Коллектив октябрь ойи ҳисобига ишламоқда! 11-«Висотстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармаси тўғрисида гап кетганда шундай жавоб беришади. Бошқарма коллективи август ойининг биринчи ўн кунлигида сентябрь программасини ҳам бажарди.

— Ленин кўчасида қурилаётган маъмурий бинонинг биринчи навбатини муддатидан икки ой олдин, август ойининг охиригача топширмоқчимиз, — дейди 7-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ П. Танис, — 7 ноябрга қадар Ленин хиёбонининг биринчи навбати ниҳоясига етказилади.

Социалистик мусобақада Михаил Шишлин, Пётр Сачко, Николай Голубўртоқлар бошлиқ комплекс бригадалар ва Ислом Содиқов бошқараётган бетончилар бригадаси олдинда бормоқда.

ДИҚҚАТГА САЗОВОР

Беш йилликнинг тўртинчи йили ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашаётган Ленин райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир район саноат корхоналарида қўл меҳнатини камайтириш, маҳсулот сифатини оширишга қаратилган кўпгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Корхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу соҳада 847 кишини жалб қилган 155 та ижодий бригада иш олиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 228 та тадбирий ишлар амалга оширилиб, ундан 828 минг сўм фойда олинди. Бу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирдашган нашрнёти ҳамда каноп фабрикаларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Саноат корхоналарида

СУРЪАТ ТЕЗЛАШМОҚДА

Бош пудрат ишлари бўйича етти ойлик план 117 процент бажарилди. Йил бошидан буён пландаги 2.904 минг сўм ўрнига 3.427 минг сўм ўзлаштирилди.


«Главташкентстрой» 3-трестига қарашли 16-қурилиш бошқармаси коллективи бундай муваффақиятларга меҳнатни тўғри ташкил қилиш, резервлардан оқилона фойдаланиш туфайли эришди. Бошқарма коллективи йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиб, кундалик графикни ортиғи билан бажармоқда.

ЛЕНИНГРАД САФАРИГА

Бугун

шаҳар мактаб ўқувчиларидан катта бир группаси революция бешиги — Ленинград шаҳрига йўл олди. Ўқувчилар мактаблардаги ишлаб чиқариш участкаларида ўқув йили давомида меҳнат қилиб ана шундай йўлланма олишга сазовор бўлишган.

Республика болалар туризм станцияси йўлланмаси билан шу йилнинг ўзида 2 мингдан ортиқ республика мактаб ўқувчилари Совет Иттифоқининг йирик шаҳарларига мароқли саёҳат қилишди.



Тошкент трактор заводи.
СУРАТДА: корпусларнинг бирида монтаж ишлари олиб борилмоқда.
В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• янгиликлар
• воқеалар
• фактлар

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

◆ ҚИШЛОҚДА ЭЛЕКТР

ЖАЗОИР. (ТАСС). Жазоир маъмурлари мамлакатдаги олис қишлоқ районларини электрлаштиришга киришдилар. 1969—1971 йилларга мўлжалланган уч йиллик планга мувофиқ аҳоли яшайдиган пунктлардан яна 520 таси электр олади.

Бу ерда электрлаштириш уч йиллик планининг бажарилиши мамлакат турли районларини ривожлантиришдаги тенгсизликни йўқотишга қаратилган чоралардан бири сифатида баҳоланмоқда.

◆ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Замбия ҳукумати Замбия минерал ресурсларини қазиб олиш билан банд бўлган чет эл корчилик компанияларининг фаолиятини ўз назорати остига олишга қарор берганлиги иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида қўйилган қадамдир, деди бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Замбиянинг Лондондаги олий комиссари Х. Ж. Соко.

«Мамлакатимиз сиёсий жиҳатдан мустақил бўлганидан буён тўрт йил ўтди, — деди Соко, — ҳозир биз иқтисодий мустақилликнинг биринчи йилига киряпмиз, деб ҳисоблаймиз».



Филиппин — Жануби-шарқий Осиёга жойлашган давлат бўлиб, 7100 оролдан ташкил топган. Қадимий маданиятга ва оғир тарихий тақдирга эга бўлган бу мамлакат бир неча аср давомида чет эл мустамлакачилари зулми остида азоб чекди. Бундан 22 йил муқаддам Филиппин мустақил деб эълон қилинади. Бироқ, у ҳамон АҚШ назорати остида, арзон хом ашё ва ишчи кучи манбаи бўлиб келмоқда.

СУРАТДА: Филиппиннинг пойтахти Манила шаҳрининг марказий қисми, чет эл саноат ва молия корпорацияси жойлашган бинолар.
ЧТК—ТАСС фотоси.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ҲОРДИҒИ

Ўтган ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари шаҳардаги 1-пойафзал фабрикаси чеварлари мириқиб дам олишди. Шаҳар боғларида сайр қилиб, кинотеатрларга коллектив бўлиб боришди.

Айниқса, фабрика ишчилар комитетининг ташаббуси билан бир группа пойафзалчиларнинг Қозоғистон ССР пойтахти Олмаота шаҳрига бориши уларда катта таассурот қолдирди. Чеварлар у ерда «Життсу» пойафзал фабрикасида бўлишиб, тажрибалар алмашишди.

Бугун

Бу ҳафтанинг икки дам олиш кунида ҳам ишчи ва хизматчилар яхши маданий хордиқ чиқаришни мўлжаллашди. бир группа балиқ овловчилар Чордара дам олиш зонасига жўнаб кетишди. 50 ишчи эса «Роҳат» кўли томон йўл олди.

Об-ҳаво бугун кечаси 17—19, эртага кундузи 32—34 даража иссиқ бўлади.

ЧЕВАРЛАР ҲИММАТИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ишчан коллектив юбилей шарафига олинган топшириқ ва социалистик мажбуриятларини бажара бориб, маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари 236 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Коллективимизнинг юзлаб меҳнаткашлари,— дейди фирма партия ташкилотининг секретари А. Маъдиев.— костремалик тўқимачи А. Н. Плотнева ташаббусига қўшилиб, доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан эримизларига ошириган шахсий мажбурият олдилар. 402 ишчи шахсий беш йиллик планни 1970 йил 22 апрелгача бажариш мажбуриятини олди. Улардан 365 киши эса уч йиллик планини ўтган йилнинг кузидаёқ бажариб қўйган эди.

Чеварлар халқимиз дидига мос келадиган кийимлар, ҳилма-хил аттрлик буюмларини ишлаб чиқариш билан бирга унинг янги турларини ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Фирма янгилик изодкорларининг бу соҳадаги изланишлари диққатга сазовордир. Корхона ихтирочи ва рационализаторлари қимматли таклифлар билан чиқдилар. Шу туфайли 27 минг сўм давлат маблағи тежаб қолинди. Г. Свитнев, Р. Артёменко, Б. Алаев, С. Баранновскийлар фирманинг актив рационализаторидир.

Фирма чеварлари қўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш, беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини шараф билан адо этиш мақсадида ҳиммат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Х. МУҲАМЕДОВА.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



В. И. Ленин марказий музейининг филиали қурилишида 11-«Высотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармаси монтажчиларидан Юрий Адамов ва Евгений Платонников кундалик нормаларини ортиғи билан бажариб, ҳамиша ишда ўрнак кўрсатмоқдалар. А. ТУРАЕВ фотоси.

Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига тайёргарлик муносабати билан республика илмий-техника кутубхонаси ва унинг кўпгина тармоқлари Бутуниттифоқ ва республика умумий кўригига қўшилдилар.

Республика илмий-техника кутубхонаси ходимлари зиммага юксак мажбурият олиб, бўлим ва тармоқларни бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Кутубхона 7626 кишига хизмат қилади. Кунлик ўртача китоб тарқатиш 600 нусхадан ортмоқда. Кутубхонанинг умумий фонди қарийб бир миллион нусхага етди. Шу жумладан, чет эл адабиёти фонди 130 минг нусхадан зиёд.

Конструкторлик бюролари, илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарда 224 техника кутубхонаси ишлаб турибди. Буларнинг ярмидан кўпи республика умумий кўригига қўшилган.

Кутубхона Ўзбекистон мутахассисларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун бош библиографик справкалар картотекасини соҳалар бўйича тузиб беряпти. Темалар бўйича картотека каталогидаги карточкалар сони бир миллионтага етди.

106 мутахассисга индивидуал информация асосида хизмат қилинаяпти. Группа ва коллектив ҳолда олиб борилаётган информацияга 172 абонент жалб этилди.

●Шонли сана олдидан

ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ— ОММАГА

1968-69 йиллар давомида систематик равишда адабиётлар кўриги ўтказилиб борилаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Давлат план комитети, Тошкент, Олмалиқ, Фарғона, Андижон, Бухоро ва бошқа шаҳарларда фан ва техника янгиликлари, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш каби темалар асосида йиғилиш ва конференцияларга боғлиқ бўлган адабиётлар кўриги ўтказилди. Темалар бўйича ҳозиргача 181 та кўргазма техника, экономика ва чет эл техника адабиётлари бўйича 28 та обзор ўтказилди.

Кутубхона ишчиларининг меҳнатга онгли муносабатда бўлишини ошириш мақсадида «В. И. Ленин кутубхоналар иши ҳақида» деган темада доимий семинар ўтказяпти. Семинар В. И. Ленининг кутубхона иш тажрибаларни тўғрисида айтган сўзлари асосида олиб борилмоқда.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилинган мажбуриятни бажаришда хизматчиларнинг активлигини ошириш мақсадида кутубхонада «Энг яхши бўлим» ва «Аълочи кутубхончи» номларини олиш учун конкурс эълон қилинган. Бу номга эришиш учун кутубхона ходимлари камчиликларни бартараф қилиш, илмий-техника адабиётларини оммага пропаганда қилиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

У. ҚОРАБОЕВА,
Республика илмий-техника кутубхонаси кадрлар бўлимининг бошлиғи.

БУ КЎЧА, БУ УЙ ҚАЕРДА?

● *Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати олдидан*

Ҳозирги кунда ер юзида одам оёғи етмаган жой қолмади, курраимизнинг ҳар бир нуқтаси география справочникларига ёзиб қўйилган, десалар ишонманг.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун рейдимизни худди ана шундай нуқтадан бошлаймиз. Бу нуқта Антарктидада ёки бирон бир чўлу биёбонда эмас, улкан шаҳримизнинг ўзида жойлашган. 1-Мингўрик кўчаси қаерга жойлашган? Унча-мунча одам мен биламан, деб мақтана олмайди. Ҳолбуки фақат биринчи эмас 2, 3, 4-Мингўрик кўчалари ҳам бор. Бу кўчаларнинг ҳар бирида уч-тўрттадан переулоклар ҳам бор. Яқингача биз ҳам бундай кўчани билмасдик. Ф. С. Дробот ёзган хат ёрдам берди. «Биз сизларга аллақачон ёзмоқчи эдик-у,— деб хабар қилади муаллиф,— лекин Киров район ижрокомидагиларининг ўзи бизга ёрдам қилса керак деб ўйлардик. Саккиз йил кутдик. Ёрдам бўлмади.

Аввало кўчамизда яшайдиганлар йўлини планли катта уйлар тўсиб қўйганлиги учун одамлар шаҳарга қандай чиқишларини билолмай қолганларини айтиш мумкин. Биз худди қопга тушиб қолганга ўхшардик. Тўғри, кўп уринишлардан кейин биз — 19 киши ниҳоят район ижроия комитети раисининг қабулига кирдик, аҳволни айтдик. Йўл ҳам очилди. Лекин иш охирига етказилгани йўқ. Айтиб қўйайлик, агар биз томонга келмоқчи бўлсангиз шу кунлардан кечиктирманг. Ёмғирли кунлар бошланса, кўчадан бульдозер билан ҳам ўтолмайсиз.

1964 йилгача ҳатто сайдов компанияси пайтларида ҳам бизни қидириб топишолмасди. Район аҳолиси рўйхатига қўшилмай қолиб кетаверардик. Сабаби аниқ. Кўчани ҳеч ким иазорат қилмайди. Кўпинча чироқ ўчиб қоларди. Йиғилган аҳлатларни ҳафталаб олиб чиқиб кетишмайди. Бу бизларнинг ички ишларимиз дейиш мумкин. Хўш, энди четдан келаётганларнинг аҳволи қандай бўлади? Улар бизнинг кўчаларни қидиришда 12—13 соат овора бўлишаркан. Уйни топгунча яна учтўрт соат вақт кетади. Негаки, учта проездниинг ҳаммаси 1-Мингўрик номи билан аталади.

Ҳозир шаҳар аҳолини рўйхатга олишга тайёрланяпти. Бизни яна топишолмай юришадими, деб қўрқяпмиз».

Ф. С. Дробот ўз фикрининг далили учун Олмаотадан 28 июлда юборган зудлик телеграммасини редакцияга жўнатибди. Телеграмма олти кундан кейин эгасини топган.

Бундай шикоятлар кўп. Шаҳардаги 291 кўча пештоқига ёзилган номларни ўқиб бўлмайди. Кўпинча уйлар бўялиб кетган, аксарият ҳолларда эса табличканинг ўзи йўқ. 9 Кўча қайта номланиши керак. Бир номдаги кўчалар сон-саноксиз.

Биз Тошкент почтамтида бўлиб, почтачилар одамларнинг уйини қандай топишаётгани билан қизиқдик.

— Бир номдаги кўчалар жонга тегди,— деди эксплуатация бўлимининг инженери Т. Чепурина билан старший инженер А. Поздеева.— Бундай кўчалар ҳар бир районда бор. Агар хат жўнатаётган киши конвертга почта бўлимининг номерини ёзмаса, хат анча кун «сайр қилиши» мумкин. Масол учун Железнодорожная деган кўчани олайлик. Бу номдаги кўчалар Ленин, Киров ва Куйбишев районларида бор. Пушкин Красновосточная ва Линейная деган кўчалар эса Ҳамза ва Куйбишев районларида бор. Ховос кўчасида битта тупик, иккита проезд ва тўртта переулок бор. Битта кўча учун шунча нарса ортиқчалик қилмасмикан?

А. Каримов номидаги кўчалар Октябрь районида ҳам, Ҳамза районида ҳам мавжуд. Чилонзор районидаги маҳалла ҳам, массив ва проезд ҳам Қатортол деб аталади. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади.

Бундай кўчаларда бир рақам билан номерланган уйлар озмунчами? Фрунзе ва Чилонзор районидаги Муқимий кўчасида, Ғафур Ғулом кўчаси ва проездида бундай уйлар ниҳоятда кўп.

Бу аҳолини рўйхатга олишда жиддий ғов бўлади. Бу катта ва масъулиятли ишда фақат марказий статистика бошқармасигагина эмас активистлар ҳам қатнашадилар. Бир ном билан аталувчи кўплаб кўча, тупик ва проездлар рўйхатдан тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу ишга жиддий киришиш пайти келди. Ахир бизда кўчаларга ном қўйилиши мумкин бўлган қаҳрамонлар, таниқли одамлар кўп-ку. Қачонгача одамлар Мингўрик ёки Линейная кўчаларини соатлаб қидириб юришади. Район ижрокомлари бунга аллақачон киришишлари керак эди.

Главпочтамт хатларни саралаш участкасида Виктория Юрьевна Гасюк ишлайди. Бу аёл салкам 50 йилдан буён шу соҳада хизмат қилади. «У бизнинг профессоримиз, тирик энциклопедист»,— дейишади унинг ҳақида ҳамкасблари.

— Мен 72 ёшга кирдим,— дейди Виктория Юрьевна. — Неча йиллардан буён Тошкентда ишлайман. Шунга қарамай иш оғир. Агар сизларга хат ёки газеталарни ўз вақтида етказиб бермасак биз ҳам ранжийимиз. Лекин қани ўша уй, қани ўша кўча? Бир номдаги кўчалар, бир рақамдаги уйлар шу қадар кўпки, гангиб қоламиз.

Республика министрлар Совети «1970 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёрланиши бириичи навбатдаги тадбирлар ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу масала юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитетида ҳам қарор чиқарилган. Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб, шаҳарда турли корхоналар, ташкилотлар ўқув юртлари ва муассасаларидан йиғилган 300 га яқин регистраторлар кварталлар бўйича уйлар рўйхатини тузиб чиқдилар, кўчалар, переулоклар, тупик ва массивлар номини ёздилар. Лекин бу соҳада ҳали кўп камчиликлар бор. Шаҳарда айрим граждалар пропискага ўтмасдан яшаётганларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу ўринда статистикачиларга милиция ходимлари ёрдам бериши керак. Район ижроия комитетлари ҳам катта ишлар қилмоқлари лозим.

Вақт кутиб турмайди. Аҳоли рўйхатини ўтказишга бир неча ой қолди. Тез вақт ичида бу соҳада тартиб ўрнатиш зарур.

М. ЗОЛОЧЕВСКИЙ,
Э. АДАЙКИНА.



Шарқий Қозоғистон областининг бугунчилик ва оқу хўжаликларида оқу ҳамда холдор буғи шохларини таёрлаш бошланди.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] бригада бошлиғи В. Малдабоев, совхоз директори А. Храмков, 2-бўлим бошқарувчиси Ш. Мукажонов ва энг кекса буғи боқувчи М. Болғабоев кесилган шохларни кўздан кечирмоқдалар.

Г. Гельфанд фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Жаҳон ойнаси

НЕПАЛДА ЛЕНИН КУНЛАРИ

КАТМАНДУ, (ТАСС). В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги Непалда кенг нишонланди. Юнесконинг Непал миллий комиссияси шу тўғрида карор қабул қилди. Юнесконинг якшида ўтказилган 15-сессияси маъқуллаган резолюцияга мувофиқ, бу комиссия В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилиш юзасидан Умумнепал комитетини тузди. Непал маориф ва юстиция министри Ба судев Жунган бошчилик қиладиган бу қометитга Непалининг машҳур жамоат ва давлат арбобларидан 10 киши аъзо бўлиб кирди.

Юбилей йили амалга ошириладиган тадбирлар программаси В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, СССР да маориф ва маданиятнинг ривожланиши ҳақида семинарлар, лекция ва суҳбатлар ўтказишни, кинофильмлар кўрсатишни кўзда тутади.

БИРЛИК—АСОСИЙ МАҚСАД

РИМ, (ТАСС)- Италиядаги уч партия — коммунистик партия, Италия пролетар бирлиги социалистик партияси ва социалистик партия ёшлар ташкилотларининг аъзолари ёшларининг Хельсинкида ўтказиладиган жаҳон учрашувида қатнашадилар.

Демократик ёшлар федерациясининг президенти Анжело Олива «Унита» газетасида босилган суҳбатда қуйидагиларни айтди: биз Хельсинкидаги учрашувдан кейин Вьетнам халқининг узил-кесил ғалабасига ҳисса қўшиш ва шундай қилиб тинчлик ҳамда тараққиёт ишига ёрдам бериш учун ёшлар ҳаракатни янада кўпроқ бирлаштирили ш и г а аминмиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯЛАР

САН — ХОСЕ, (ТАСС). Коста рика университетида СССР нинг географияси ва тарихи тўғрисида махсус лекциялар курси жорий қилинди. Профессор Армандо Родригес бу курсга раҳбарлик қилади. Армандо Родригес мамлакатдаги университетларнинг энг машҳур ва энг ҳурматли ўқитувчиларидан биридир. У ўтган йили материаллар тўплаш мақсадида Совет Иттифоқига борган эди.

ЁДГОРЛИК ЖОЙЛАРИГА САЁҲАТ

УЛАН — БАТОР, (ТАСС). Монголия революцион ёшлар союзига аъзо бўлган йигит ва қизлар монгол ва совет қўшинларининг Халхин-Гол дарёси районида япон агрессорларига қарши олиб борган жанг майдонларига юриш қилдилар. Совет ёшларининг вакиллари ҳам қатнашган бу юриш В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига ва Монголия халқ революцияси ғалабасининг 50 йиллигига бағишланди.



Эрксевар қаҳрамон Вьетнам халқи Америка агрессорлари ва уларнинг малайларига қарши мисли кўрилмаган даражада зарба бермоқда.

СУРАТДА: Республиканинг ғарбий шимолдаги Мео элатининг халқ дружинаси жангчилари ўз ҳарбий маҳоратларини ошириш устида.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

БОГОТА. (ТАСС) Богота университети студентларидан олти миг кишининг забастовкаси давом этмоқда. Бу — университет ташкил этилганидан буён ўтган 18 йил ичида студентларнинг биринчи энг катта забастовкасидир.

Ёшлар университетнинг қайта ташкил этилишини, шунингдек университет ректорининг ишдан четлатилишини талаб қилмоқдалар. Юридик факультет декани, беш кафедра мудирлари, шунингдек 37 ўқитувчи студентлар билан бирдамликларини изҳор қилиб истеъфо беришди.

ЧИКАГОДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Чикагода намойишчилар билан полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлардан кейин саккиз негр қамоққа олинди.

«Негрларнинг ҳаракат бирлиги коалицияси», шаҳардаги 60 дан ортиқ негр жамоати шу коалицияга бирлашади, ўн миг негрнинг зарур малака ҳосил қила олиши учун уларни ишга олишни қурилиш масалалари билан шуғулланувчи Чикаго кенгашидан илтимос қилган эди. Аммо, бу кенгашнинг раҳбарлари ана шу илтимосни қондиришдан бош тортдилар. Бу ҳол негрларнинг норозилик намойиши ўтказишига сабаб бўлди.

«Негрлар коалицияси» кеча уюштирган намойиш қатнашчилари қурилиш майдонларининг бирига қараб йўл олдилар. Полициянинг кучайтирилган нарядлари намойиш қатнашчиларини тарқатиб юбордилар, намойиш ташкилотчиларини эса қамоққа олишди.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Шнейбергдаги йирик тўқимачилик корхонаси. Бу ерда ишчи деҳқон ҳокимияти даврида оғир қўл меҳнати энг замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан жиҳозланди. Юпғина участкаларни фақат бир киши бошқаради.

Социализм мамлакатларида

Венгрия

Будапештда шу йилнинг биринчи ярмида юзга яқин йирик қурилиш объекти фойдаланиш учун топширилди. Ҳозирги вақтда 386 объект қурилмоқда.

Пойтахтда уй-жой қурилиши гоят кенгайтириб юборилди. Планга мувофиқ бу йил бу ерда 5400 квартира қуриб битказилиши керак.

Ҳозирги вақтда қурилишнинг индустриал методлари муҳим роль ўйнамоқда. Будапештда иккита уйсозлик комбинати ишлаб турибди. Учинчи уйсозлик комбинати қурилиши тамомланмоқда.

МХР

Монголия граждан авиацияси бу йил ташиган йўловчилар сони мамлакат аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этди. Ҳозирги пайтда республиканинг қарийб барча аймоқлари, 130 қишлоқ хўжалик бирлашмалари ва давлат хўжаликлари авиация хизматидан фойдаланмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим йилида Улан—Батор билан 20 давлат хўжалиги ва қишлоқ хўжалик бирлашмалари ўртасида янги ҳаво йўллари очилди.

Монголия Халқ Республикасининг авиацияси граждаларни ва транспорт юкларини ташишдан ташқари қишлоқ хўжалигида ҳам катта ишларни бажармоқда. Бу йил 235 минг гектардан кўпроқ экин майдони самолётлардан химикатлар билан дориланди.

Югославия

Югославиянинг Дебар шаҳри яқинида бир неча ўн миллион куб метр сув сиғадиган сунъий кўлга сув қуйила бошланди. Бу кўлнинг суви тез орада шу ерда қурилган — «Шпиле» гидроэлектростанцияси турбиналарини ҳаракатга келтиради. Бу станция йилига юз миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Станция Югославиянинг кўпгина аҳоли яшайдиган пунктлари ва районларини электр қуввати билан таъминлайди.

(ТАСС).

1939 ЙИЛНИНГ 20—29 АВГУСТИДА СОВЕТ-МОНГОЛ ҚЎШИНЛАРИ ХАЛХИН—ГОЛ РАЙОНИДА ЯПОН БОСҚИНЧИЛАРИНИ ТОР-МОР КЕЛТИРИШ ДИ

Жангчилар у кунларни унутишмайди...

Совет ва Монголия қуроли ветеранлари группаси билан бирга Улан-Батордан учганимиздан сўнг орадан икки соат ўтгач, муқаддас тупроққа, Халхин-Гол дарёси водийсига бориб қўндик. Атроф тап-тақир саҳро, кўпдан ёмғир томчиси тушмаган чўл-биёбон. Фақат икки қирғоғини кўм-кўк чакалак босган дарёгина мудраб оқиб ётипти. Нариги соҳил чегара.

Халхин-Гол райони марказидан автобусда бундан ўттиз йил муқаддам шиддатли жанг бўлган жойларга қараб жўнадик. Тупроқ қонли қуроллари ҳамон сақлаб қолган: ярмигача тупроқ босган граншея ва окоплар, занглаган тиканли сим бўлаклари, мажақланиб, қорайиб кетган душман танклари кўзга ташланади.

Автобусда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари полковниклар Г. Я. Борисенко ва А. В. Котцовлар ҳам бор. Улар ястаниб ётган чўлга диққат билан разм солишади, ҳар бир сойлик ва тепалик уларга таниш. Бу ерларда уларнинг бири командирлик, иккинчиси комиссарлик қилган, батальон японларга қарши қаттиқ жанг олиб борган. Уша оловли кунларни, совет ва монгол солдат ҳамда командирларни кўрсатган жасоратини унутиб бўлармиди!

Сал нарида миллий кийим кийган Дугаржав — отлиқ аскарлар полкининг собиқ командири ўтиришти. Унинг кўксида монгол орденлари, Қизил Байроқ ва Қутб Юлдузи билан ёнма-ён совет орденн — Қизил Юлдуз ҳам порлаб турипти. Ветеранлар шавқ билан бир-бирларига ўз хотираларини сўзлашмоқда.

Меннинг ёнимда свердловсклик Совет Иттифоқи Қаҳрамони, собиқ младший сержант П. Е. Пономарев. Унинг 1939 йилда кўрсатган жасорати ҳақида деярли ҳамма газеталар ёзган эди: Пономарев ўзини қуршаб олган 20 нафар душманни жаҳаннамга жўнатган.

Баланд тепаликка ўрнатилган ёдгорликка яқинлашамиз. Тепалик остида, супачада бир танк турипти. Бу танк М. П. Яковлев бригадаси жангчилари хотираси учун қўйиб қўйилган. Бу ерда, айниқса, шиддатли жанглар бўлган эди. Мажақланган япон тўп ва танклари бундан гувоҳлик бериб турипти.

Автобуслар 96 нафар қаҳрамон дафн этилган қабристонга кириб боради. Улкан ёдгорлик. Танкчилар ётган ерда — танк башняси, артиллеристлар бюсти устида — снарядлардан бўшаган гильзалар уюми, пиеда аскарларнинг қардошлик мозорида эса темир ёдгорлик. Ветеранлар сукутга чўмадилар..

Бу ерни худди Россиянинг бир бўлаги дейсиз. Қабр тошлари атрофига қайин ва толлар, кўмкўк буталар экилган. Усмликларнинг барн ҳалок бўлган жангчиларнинг юртидан олиб келинган. Миннатдор монгол халқи рус қардошлари хотирасини авайлаб сақламоқда.

Биз яна йўлдамиз, яна йўлнинг икки чети — машҳур жанг майдони. Суҳбат аста-секин бугунги кун ташвишларига кўчади.

Халхин-Гол жангининг собиқ қатнашчиси, МХР Меҳнат Қаҳрамони чўпон Ценд чорвачиликда қўлга киритган ютуқлари ҳақида гапиради. «Фаровон турмуш» қишлоқ хўжалик бирлашмасининг чўпони 60 ёшлик З. Жаморан эса ўзининг бой тажрибасини ёшларга қандай ўргатаётгани тўғрисида сўзлайди.

Суҳбатга «Галаба» қишлоқ хўжалик бирлашмасининг ёш раиси З. Бирманготов қўшилади. У раислик қилаётган йирик хўжалик жанг олдидан қовурилган ерларга туташиб кетган.

Мазкур қишлоқ хўжалик бирлашмаси уруш бошланмасидан бир ой олдин ташкил этилган эди. У пайтларда хўжалик заиф бўлиб, бирорта техника бирорта машинага эга эмас эди. Ҳозир унинг территорияси 4 минг квадрат километр бўлиб, 1500 киши истиқомат қилади. Хўжалигининг 65 минг қорамоли бор. Шу ернинг ўзига жойлашган тажриба станциясининг 300 ходими хўжаликка техника ёрдами кўрсатади, маслаҳат ва консультациялар беради. Бирлашма марказида икки мактаб, икки медицина ва уч фельдшерлик пункти, клуб ва кинотеатр мавжуд. Аҳолининг кўпчилигида хусусий мотоцикл. Район марказига пойтахтдан ва Чойбалсандан самолёт қатнаб туради.

Чойбалсанга қараб учамиз. Мана, янги турар жой кварталлари, болгар мутахассисларн бунёд этаётган гўшт комбинатининг ажойиб корпуслари кўзга ташланиб қолди. Бу комбинат суткасига 90 тонна гўшт маҳсулотлари етказиб беради. ТЭЦ ва юнг тозалаш фабрикасининг бинолари ҳамда қатор бошқа корхоналар совет мутахассислари қўли билан яратилган. Самолёт шаҳар тепасида бир айланиб олгач, пастга шўнғиди.

Сўнг шаҳар музикали драма театри биносида митинг бўлди. Халхин-Гол жанги қатнашчиларн совет делегациясининг бошлиғи Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-лейтенант Иван Михайлович Афонин монгол дўстларга қарата шундан деди:

—Жанговор ўртоқларимизнинг қони бекўда тўкилмаганини ҳис қилиш кишига ҳузур бағишлайди. Агар вазият талаб қилса, биз яна сизлар билан ягона жанговор сафда бўламиз, ўртоқлар!

Г. ХАРЧЕНКО,
АПН мухбири.

Учиш бекор қилинади

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги катта «Пан америкэн» авио-компанияси ишчи ва хизматчиларидан 8 мингдан ошиқ киши забастовка эълон қилди. Улар янги меҳнат шартномасига иш ҳақини ошириш ва социал таъминотни яхшилаш тўғрисидаги пунктлар киритилишини талаб қилмоқдалар. Самолётларнинг учиши вақтинча тўхтатилди.



КУТИШ...

Шингил ҲИКОЯ


Карима хола ўғлини кута-кута тоқати-тоқ бўлди. «Ҳеч бунақа одати йўқ эди-ю» — деб ўйлади аввалига.

Кейин яна бир кор-ҳол бўлган бўлса-я деб қўрқиб кетди, бўлмаса айтиб кетарди. Йўл-пўлда битта-ярим та билан уришиб қолдимикан...

Карима хола безовта бўла бошлади. Хавотирланди. Шу пайт унинг юрагига қил ҳам сиғмасди. «Ишқилиб худойимнн ўзи асрасин» кўнглидан ўтказди у. Соат ҳам ўн ярим бўлибди, ҳануз дараги йўқ. «Эй худойимей» — унинг кўзларига илиқ ёш томчилари келди, томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди...

Ўғли Ёдгор бу пайтда севган қизи билан сайр қилиб юрарди. У ўз бахтини тасаввур ҳам қилолмай, қандайдир ўйчанлик билан юлдузларга тикилади. Гўё қўл чўзса, юлдузларга етгудек. Соқин, сутдек кеча қўйнида кетаётган икки ёш ўзини дунёда энг бахтли инсон деб ҳис қилади. Ёдгор қалбидан жўшиб чиқаётган ширин эҳтирослартўлқинига ғарқ бўлиб, келажак бахтини ўйлайди. Зоҳиданинг сеҳрли овози уни тамом маст қилган, қачон у маъсум, бахтнёр кунлар келади деб хаёлидан ўтказарди. Осмонда юлдузлар чарақлайди... Она ўғлини бетоқат кутади, ўғил эса бахтини...

О. ОТАХОНОВ.



ЛЕНИНГРАД. «Позитрон» бирлашмасида Ильич туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига «Электроника ВЛ-100» янги портатив телевизор ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Телевизор ярим ўтказгичлар, шунингдек аккумулятор ва электр тармоғидан қувват олиши мумкин. Приёмникнинг оғирлиги 3 килограмм, экранининг ҳажми эса бурчакдан бурчаккача 16 сантиметр. Штир антена 70—100 километрдаги станциядан берилаётган программани қабул қилиши мумкин.

Ёз ҳақида суҳбатлар

ЗАҲАРЛАНИШ— ЭҲТИЁТСИЗЛИКДАН

Ёзда мевалар жуда тез бузилиши ҳаммамизга аён. Шунинг учун барча тез бузиладиган маҳсулотларни эҳтиёт қилиб сақлаш керак, акс ҳолда заҳарланиш каби кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.

Яқинда бир оилада бузилган мевадан заҳарланиш воқеаси юз берди. Яна бир оилада эса, тайёр боршч 6 соат давомида рух идишда туриб қолгани учун айнаган, натижада ундан етти киши заҳарланган.

Хўш, озиқ-овқатдан заҳарланмаслик учун нима қилиш керак?

Аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ёз вақтида эҳтиёт қилиб сақлаш, уни айнаб қолишдан доим ҳоли тутиш зарур. Мева, озиқ-овқат маҳсулотларини тоза, қайноқ сувда ювилган идишларда, холодильник ва зах ертўлаларда янги ҳолда сақламоқ керак.

Озиқ-овқатларни оқиб ўтадиган (ариқ, ҳовуз, канал) сувларда сақласа ҳам бўлади. Лекин сақланаётган маҳсулотларга эринҳор сув тушмасин.

Мева ва полиз экинларини қайнаган ёки водопровод сувида яхшилаб ювилгандан сўнг истеъмол қилиш керак. Магазин, дўкон ва буфетларда одатдагидек, янги ҳолдаги мева ва сабзавотлар сотилади. Шундай бўлишига қарамай, савдо ва умумий овқатланиш ходимлари харидор ва ҳўрандаларни заҳарлашга олиб келадиган микробларни мева ва сабзавотларга тушишидан огоҳ бўлишлари қатъий талаб этилади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ёз вақтида тез бузиладиган маҳсулотларни иссиқ жойларга сира қўймаслик, пишган овқатларни эса салқин жойда ҳам икки соатдан ортиқ сақламаслик керак.

Ҳар қандай тўй ва катта йиғинларда овқат ва маҳсулотларни тез-тез кўздан кечириб туриш, ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш одат тусига кириши лозим.

Э. ЮСУПОВ,
врач.



— Кўришгунча хайр адажон.
Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Сайёҳ ён дафтаридан

Бир кунда тўрт фасл

Биз биолог-ўсимликшуносларўлкамизда кенг тарқалган, ёввойи ҳолда ўсувчи, халқ хўжалигимизнинг турли тармоқлари учун хом ашё манбалари ҳисобланувчи ўсимлик бойликларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини топиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон бўйлаб ва қардош республикалар территорияларига экспедициялар уюштирамиз.

Экспедиция даврида турли-туман ўсимлик турларидан ошловчи, доривор, эфир мойли, зираворкаби ёввойи фойдали ўсимликлардан намуналар оламиз. Уларнинг баъзи бирларининг запасларини аниқлаймиз, ўз мулоҳазаларимиз ва таклифларимиз билан керакли ташкилотларга мурожаат этамиз.

Ҳаммамизга маълумки, республикамиз территорияси паст-текислик лардан ҳамда паст-баланд тоғлардан иборат. Яъни географик термин билан таърифланганда чўл, адир, тоғ ва яйлов зоналаридан ташкил топгандир. Шундай экан, уларнинг ўзига хос тупроқ шароити, об-ҳавоси ва ўсимликлар олами мавжуддир.

Мана, биз Фарғона водийси бўйлаб ўз изланишларимизни давом эттирмоқдамиз. Водийда ҳаёт қизғин, ish авжида. Пахтакор далада ғўзаларга ишлов бермоқда, механизатор «кўк денгиз»да жавлон уриб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун тинмай меҳнат қилмоқда. Боғбон, сабзавоткор ва ғаллакорлар етиштирган мўл ҳосилни йиғиштириш билан машғул бўляптилар.

Биз водийни кўздан кечириб, тоғ томон кўтарила бошладик. Бу ерларда ўзига хос ҳаёт, табиат манзаралари ва унинг баъзи бир ажойибликлари кўзга ташланади. Адир бўйлаб бораётганимизда ҳар хил ўсимлик турларини учратамиз. Улар дов-дарахтлардан, бута, ярим бута, бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўт ўсимликларидан иборат бўлиб, ривожланиш ва тараққиётнинг турли хил даврларидадир.

Унг ва сўлга қарасангиз пишиқчилик, ёввойи дарахтларнинг мевалари шиғил бўлиб ётибди. Тоғ олчалари, олмалар ва майизжонлар пишиб ётибди. Ёнғоқ етилай деб турибди. Табиатнинг бундай гўзаллигига жўр бўлган турли-туман қушлар. Ўз наволарини ижро этмоқдалар. Бу гўзаллик инсон саломатлигига саломатлик, ижод ва меҳнатга барака қўшади.

Биз йўлда давом этиб, турли хил ўсимликлардан гербарийлар тайёрладик. Қанча юқорига кўтарилаверсангиз шунча кўп қизиқарли нарсаларни учрата верасиз. Ялпиз чиққанингизда худди энди баҳор кириб келаётгандек: ўсимликлар кўкариб чиқмоқда. Биз денгиз сатҳидан 3600 метр балландликка кўтарилганимизда қоялар қор билан қопланганини, баъзи жойларда қор эриган бўлиб, энди гина баҳор келаётганини, қор тагидан кўкариб чиққан ўсимликларни кўрдик. Унг-сўлингизга қарасангиз примулла, лола, айиқтовон каби гуллар чаман бўлиб гулламоқда. Ундан сал пастроқда равач, торон, чиройли торон ва чой ўтлари ўсиб ётибди. Бу ўсимликларга маҳлиё бўлиб турганимизда об-ҳаво бирдан ўзгариб, ҳамма ёқни қора туман қоплади. Илакдек майин шамол эсди. Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас қаттиқ ёмғир ёғди, мо-мақалдироқ гулдиради. Ёғаётган ёмғир дўлга айланди. Кўз олдингизда худди қиш фасли кириб келаётганга ўхшаб қолди.

Агар шу кунларда тоғларга саёҳатга чиқсангиз, сиз бир кунда тўрт фаслни кўрасиз. Саломатлигингизга — саломатлик, меҳнатингизга- меҳнат, ижодингизга баракали ижод қўшасиз.

Қ. ҲОЖИМАТОВ,
биолог олим.

СУРАТЛАРДА: 1. Фарғона тоғларида оппоқ қорлар остида гулчечаклар очилиб ётибди.

2. Тоғ арчазор ва гулзорлари.

Автор фотолари.



ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

◆ Эски кийимларингни йўқотишга ҳаракат қиласан-у, нега эски гиналарни ҳам шундай қилишга жазм этмайсан.

◆ Ном кетидан қувган, нондан қуруқ қолиши мумкин.

◆ Боболар қадрини бобо бўлганда биласан.

◆ Қўшнига тамаъ қилиб ўтирган оч ётади.

◆ Қўшни оши қорин тўйғазмайди, меҳр-оқибатни оширади.

◆ Икки нарса яна икки нарса билан зийнатли: илм амали, ваъда вафоси билан.

◆ Гул истасанг, тикан миннатини ҳам чек!

◆ Хушомадгўйнинг саломи тамаъсиз бўлмайди.

◆ Машқсиз паҳлавонлик даъво этма!

◆ Офтоб кирмайдиган уйга табиб киради.

АСАЛХЎР АЙИҚ

Яқинда биз Угам, Пском, Чотқол ва Каржонтов тизма тоғлари бўйлаб саёҳатга чиққанимизда, пафси ҳаккалак отган асалхўр айиқ бизни жуда ҳайратда қолдирди.

Воқеа бундай бўлди: Еттизиндон деган жойда дарахтлар оралаб борардик. Ўт-гиёҳлар ва арчаларнинг қалинлигидан юриш қийин эди. Бир пайт ўнг томонимиздаги пастликда дарахтнинг «қарс» этиб сингани эшитилди. «Ким экан?» деб бундай қарасак, арча устида жигарранг юнглари пахмайган айиқ полвон турибди. У бир қўлини тўхтовсиз ялар, иккинчи қўли билан эса ҳукум қилаётган асаларияларни қувар, баъзан ўкирар эди.

Биз сездикки, арча кавагида асалари уяси бор экан. Айиқ асал ейиш учун арчага чиқибди, кавакка оғзи сиғмагач, дарахтни синдирибди. Айиқ асаларилар талаётганига қарамай пастга тушмас, дарахтга осилганича калласини силкиб турарди. Шу пайт арча тагида буралиб юрган қўнғир тусли бир тўп илонларни кўриб қолдик.

Бу илонлар дарахт қаттиқ силкинганда арча тагидан безовталаниб чиқишган бўлса керак. Айиқ илонлардан қўрққани учун пастга тушолмай, қаттиқ ўкирар, нима қилишни билмас эди. Бунинг устига асаларилар тобора кўпайиб, уни ҳар томондан талашарди.

Бўлмади. Асаларининг чақишига чидолмаган айиқ узоққа арча тагидаги илонлардан анча нарига сакраб тушди-да, дов-дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

М. ТУЙЧИЕВ,
табиатшунос олим.

Ёзги ҳордиқ

Хандалар

Ботаника богидаги йўлкада кетаётган велосипедчи катта дарахтга урилиб, велосипедини пачоқ қилди. Кўзини очиб «Севкюя. Мексикадан келтирилган», деган ёзувни кўрди.

— Шайтон ургур. Уни ўсган жойида қолдиришса бўлмасмиди, — деди, жаҳл билан.

* * *

Лотерея билетини олган, хотин:

— Агарда ютсам, ўзимга янги кўйлак сотиб оламан, — деди.

— Ютмасангчи, — сўради эри.

— Унда сен олиб берасан.

* * *

Сенга турмушга чиқишга рози бўлганимда каллам қаерда эди, — йиғлаб туриб сўради хотини.

— Менинг кўкрагимда. — аниқ жавоб берди эри.

* * *

— Жонни, буванг жуда ҳам касал ётибди, унга бирор илиқ гап айтсангчи?

— Бува, мотамингда ҳарбий оркестр чақирсам, хурсанд бўласанми?

* * *

Фолбин аёлга деди:

— Яқинда сизни оғир қайғу кутади. Сиз эрингиздан ажраладиганга ўхшайсиз.

— Мен икки йилдан бери беваманку!

— Унда сиз зонтингизни йўқотасиз.

* * *

Аёл эрига мурожаат қилиб:

— Мен сен билан жиддий гаплашишим керак. — деди.

— Бошлайвер. Мен тезда қайтаман.

Ю. Знёев таржимаси.

* * *

Кечаси икки соат Лондон паркларидан биридаги скамейкада ётиб, хаёл қилишарди. Улардан бири иккинчисидан сўради:

— Агар сен 100 минг фунт ютсанг нима қиларднг?

— Парк учун юмшоқ скамейкалар сотиб олардим.

* * *

Кундалардан бирида жаҳли чиққан она беш яшар ўғлига:

— Сен дунёдаги энг ярамас болалардан бирисан!— деди.

— Ойижон, наҳотки сиз уларнинг ҳаммасини танисангиз,— деб жавоб қайтарди бола.

* * *

— Милициями? ...Кечиринг, ҳаммаси жойида. Ҳеч қандай ўғрилик юз бермади. Хотиним ўзига совғалар олиш учун ҳамма пулимни олиб кетган экан.

* * *

Эр:— Кечаси қаттиқ момақалдироқ бўлди.

Хотин:— Нега мени уйғотмадинг. Биласан-ку мен момақалдироқ пайтида ухлолмайман.

* * *

Эр:— Нима учун каравот остида чанг тўпланиб қолибди?

Хотин:— Бўлмаса қаёққа тўплансин?

* * *

Бир олим ҳовлиқиб уйга кирди:

— Мен марсдагилар билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдим!

— Яхши,— жавоб берди хотини,— кирланган кийимларни яна кирхонага олиб бормадингми?

ХАЛҚ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон амалий санъати музейи залларида янги халқ амалий санъатининг намуналари қўйила бошланди. Куни-кеча республика рассом-кулолчилар йиғилиши бўлди. Унда музейга 50 га яқин ажойиб халқ-санъатн ишларидан олишга келишиб олинди. Айниқса, рассом М. Раҳимов, самарқандлик уста Муҳторов, ургутлик халқ устаси С. Облоқулов ва бошқаларнинг халқ санъатини акс эттирувчи кўргазмаларн ўзининг ранго-ранглиги ва миллий колоритни тўла ифодалаши билан ажралиб туради.

СУРАТЛАРДА: М. Раҳимов ишларидан намуналар.

Л. Глауберзон фотолари.



Ёзги ҳордиқ

Турли одатлар

Улар бир оёқларида туриб, иккинчи оёқларининг товонини тиззаларига тирайдилар.

Саломлашганда европалик кўл берса, япон тиззасини букади. Танганыкадаги Тумбве қабиласи намояндалари кўришиш учун бир тиззаларини ерга қўйиб ўтириб оладилар ва ердан бир қисм тупроқни олиб, кўкрак ва қўлларига сочадилар.

Ёзги ҳордиқ

Ёз неъматлари

УЗУМ МУРАББОСИ

Хоҳлаган сортдан яхши пишган узумнинг (узум уруғсиз бўлса яна яхши) бандини олиб ташлайсиз (агар узум доначаларининг пўсти қалин бўлса иссиқ сувга 1-2 минут солиб қўйинг).

Шакардан қиём қайнатиб, қиёмни узумнинг устидан қуясиз ва 8-10 соат олиб қўясиз, шундан сўнг қиёмни узум доналаридан ажратиб қайнатасиз-да, яна узумнинг устидан қуйиб, 8-10 соат олиб қўясиз-да, мураббони охиригача пиширасиз. Мураббо пишиш олдидан таъмини яхшилаш учун ванилин қўшасиз.

Узум мураббо учун: 1 кг узум, 1,2 кг шакар, 1 стакан сув, 1 чой қошиғида ванилин ишлатилади.

ҚОВУН МУРАББОСИ

Бундай мураббога эти қаттиқ «кўкча», «шакарпалак», «амири», каби қовунларнинг унча яхши пишмаганлари кетади. Қовунни сўйиб, уруғи ва уруғ атроф юмшоқ қисмини кесиб ташлайсиз, пўчоғини ҳам арчасиз ва 2 см.ли кубик ёки ромба шаклида тўғрайсиз. Тайёр қовун бўлакчаларини қайноқ сувга 2—5 минут солиб қўясиз, сўнгра совутасиз. Қовунга олинган шакарнинг ярмини аралаштириб совуқ жойга 2—3 соат олиб қўясиз.

Қовун ботирилган сувидан 2 стакан солиб, қолган шакар билан қиём пиширасиз. Тайёр иссиқ қиёмни қовуннинг устидан қуйиб, 8 соат олиб қўясиз. Шундан сўнг қиёмни қовундан ажратиб қайнатасиз ва яна қовуннинг устидан қуясиз. Операция шу тартибда уч марта қайтарилгач, пиширишни охирига етказасиз. Пировардида мураббога заъфар ёки ванилин ҳамда жавҳарлиму қўшасиз.

Қовун мураббога: 1 кг тозаланган қовун, 1,2 кг шакар, 2 стакан сув, бир чимдим заъфар ёки ванилин, ярим чой қошиғида жавҳарлиму керак бўлади.

ТАРВУЗ МУРАББОСИ

Тарвуз мураббоси учун пўсти қалин тарвуз ишлатилади. Тарвузни сўйиб қизил этини олиб ташлайсиз ва пўстини арчасиз. Арчилган тарвуз пўстини катталиги 2 см келадиган кубик ёки ромба қилиб тўғрайсиз. Ана шу тўғралган тарвуз пўстини 8—10 соат оҳакли сувга солиб қўясиз.

Оҳак суви қуйидагича тайёрланади: 500 г тоза оҳакни, 3 литрча сувга солиб эритасиз. Аралашмани совутиш ва тиндириш учун 3—4 соатча олиб қўясиз. Аралашма тингач, оҳак чўкиб қолади ва юзидаги тиниқ сувни докада сузиб, тайёрланган тарвузга қуясиз.

Бир оз вақт ўтгач, оҳак сувини тўкиб ташлаб тарвузни совуқ сув билан яхшилаб ювасиз.

Бундан кейинги операциялар «қовун мураббоси» тайёрлашда айтилганидек қилиб бажарилади.

Тарвуз мураббоси тайёрлаш учун: 1 кг тозаланган тарвуз, 1,2 кг шакар, 2 стакан сув, бир чимдим заъфар ёки ванилин, ярим чой қошиғида жавҳарлиму кетади.

ПОМИДОР МУРАББОСИ

Мураббо учун помидорнинг майда «олхўрисимон» сорти дуруст бўлади. Шундай помидорнинг эзилмаганларини танлаб олиб, совуқ сув билан ювиб, сирланган идишга солиб қўясиз.

Мураббо қозонига шакар солиб бир оз сув қуйиб қиём пиширасиз ва уни тайёрлаб қўйилган помидорнинг устидан қуясиз. Иккинчи куни қиёмни бўлак идишга олиб, бир қайнатиб олиб, яна помидорнинг устидан қуясиз. Учинчи куни бир операцияни яна бир марта қайтарасиз. Тўртинчи суткасига мураббони оловга қўйиб пиширишни охирига етказасиз.

Помидор мураббосини осонроқ усулда тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун одатдагича қиём тайёрлайсиз помидорни эса қайноқ сувга 3—4 минут солиб, қиёмга ташлайсиз ва пишгунча милдиратиб қайнатасиз. Бу усул билан мураббони озроқ миқдорда тайёрлаш лозим, чунки уни узоқ сақлаб бўлмайди.

Ҳар икки усулда ҳам мураббо кўпигини мураббо батамом пишгандан кейин олинади ва мураббони совутиб идишларга қуйгач, мева эссенцияси ёки ванилин қўшилади.

Помидор мураббоси тайёрлаш учун: 1 кг помидор, 1,5 кг шакар, 1,5 стакан сув, 10—15 томчи мева эссенцияси ёки 1 чой қошиғида ванилин керак.

Карим МАҲМУДОВ.

МУШУК, БОЛА ТОПИБ ОЛДИ

Дунё жайнботларга тўла

Мурка деган бароқ мушукча бола туғди. Бир куни кечаси у овга чиқиб кетганида мушукчаларини ортўладаги каламушлар ўлдириб, тилка-пора қилиб ташлашибди. Болаларининг доғида куйган мушук аламига чидолмай ҳовлини айланиб юрар, тўхтовсиз миёвлар эди.

Мушук яшаётган шу хонадонда Белка деган кучук ҳам болалаган эди. Лекин у болаларига яхши қарамай, нуқул алла-қаёқларда дайдиб юрарди. Бундан фойдаланган аламзада мушук итнинг ҳали кўз очмаган болаларини эмизиб, парвариш қила бошлади. Икки-уч кун ичида Белканинг болаларн оналарини унутиб, мушукка ўрганиб қолишди. Мурка ҳам мурғак кучукларини худди ўз болаларидек бокар, улардан ҳеч ажралмас эди. Бунга «рашки» келган Белка болаларини мушукдан тортиб олиш учун «жанг» бошлади. Лекин мушук итга худди йўлбарсдек ташланиб, қувиб юборди. Белка мушукнинг олдига «Болаларимни бер» дегандек ғингшиб қайта-қайта келар, ирилдаб урншмоқчи бўлар эди. Мушук эса уни ҳар гал боплаб қувардн.

Белка чидолмади. Шу ҳовлида яшаётган Лайка деган итни ёрдамга чақирди. Икки ит мушук билан олишиб кетди. Бироқ, мушук икковидан ҳам ғолиб чиқди. Воқеадан хабардор бўлиб юрган хонадон эгалари мушукдан Белканинг болаларини олиб бермоқчи бўлишди. Аммо Мурка ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чақариб юборди, У, ҳеч кимни топиб олган болаларн яқинига йўлатмас эди. Кучукчалар эса оналарн Белкага қиё боқишмас, Муркани ўз оналарндек билиб, унинг атрофида эркалашар, ўйноқлашиб юрар эдилар.

Кучук болалари ўз оналарини қачон танишн ёки таннмаслигн қозирча номаълум...

Лекин бу воқеа ҳаёлий ҳам, уйдирма ҳам эмас. Мурка, Белка ва уларнинг болалари ҳақндаги бу ҳангома Куйбишев район Индустриальная кўчасидаги 6-уйда истнқомат қилувчи Зоя Андреевна Черноprудова ҳовлисида юз берди.

Табнат қизиқ, олам ишлари шунақа қизиқ экан-да!

Т. РАСУЛЕВ,

СУРАТДА: Белка ўз болаларнини олиб қўйган мушукка ёлворгандек қараб турибди.

Ю. Бутусов фотоси.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Мунча катта портфелни нима қиласан!!

— Трамвайга чиққанда тиззамни ёлиб ўлтириш учун...

— Хотиним курортдан «300 сўм юборинг, яна қуёшда тобланай, деб ёзиб юборибдн». Бира тўла ёниб кетақол!— деб 500 сўм юбордим...

— Ўғлим, Абдил Қодировнинг жойи шуми!

— Нимадан ўт чиқибди!

— Қайси кунлари гугурт сал танқис бўлганида икки яшигини ғамлаб олган экан...

—Бу шумтакаям менга ўхшаб магазинчи бўлса керак-ов! Нега десанг қўлига тушган нарсани оғзига соладн...

Рассом А. Ҳолиқов.

Хожи Ахмар

Чешма

Қисса

Врач ҳам худди шуни кутиб тургандек ишдан тўхтади. Оғзидан папиросини олиб, қулини столда ётган гугурт қутисига омонатгина қўндирди, сўнг салмоқлаб гап бошлади:

— Биз уч киши сиз келмасдан олдин бир маслаҳат қилишган эдик...

Қиз унинг сўзини бўлди.

— Майли, проводник келса илтимос қиламиз...

Бу жавобидан мен дарҳол серган тортдим. Беихтиёр «синамаган отнинг сагридэч ўтма» деган мақолни эсладим. Кайфият бузуқлигини ҳам унутиб, дарҳол ҳисоб очдим: 1:0!

Врачнинг пешонасида ажинлар пайдо бўлди.

— Бизни кечиресиз-у, бу... уч киши кашанда экамиз.

Қиз бу чигални ҳам осонгина ечди.

— Мен ҳам чекаман.

Врач кулди ва столдан «Казбек» қутисини олиб, қизга тутади:

— Минг марта узр, марҳамат!

Қиз папиросни олди. Студент билан менга ўгирилди. Лабида яна истеҳзоли табассум.

— Фақат мен сизларга ўхшаб ўргамчикка чекмайман,— деди у дона-дона қилиб.— Биз чинакам кашанда.

«— Охо!» дедим юзимга қизил югуриб.— 2:0!

Врач қўлидаги китобни қўйишни ҳам унутиб, қизга қараб қолди. Студент эса чапдастлик билан гугурт ёқиб тутди.

Қиз гугуртни пуфлаб ўчирди. Папиросни столга қўйди. Ўзига ҳамон тикилиб турган Врачга юз ўгирди:

—Лекин ижозат бераси бу ерда чекмайман.

— Нега?

— Негаки, чекилмайдиган вагон экан!— деди аввалгича соддадиллик билан.— Қаранг, купеда биронта кулдон йўқ?

«—Бопла, азамат!»— дедим ичимда. Шу билан бирга ҳисобдан ҳам адашганим йўқ: 3:0!

Врач хаҳолаб кулиб юборди.

Мен эса беретканни бостириброқ кийиб олдим.

Қиз бу ҳаракатни ҳам эътиборсиз қолдирмай менга табассум қилди.

Шу аснода ўтирганимизда купега проводник кирди. Кулаётган врачга кўз қирини ташлаб, иккаламизнинг орамизга суқилди. Ғазир чиққан чарм дафтарини тиззасига ёзиб, кичик жуссасига тамом ёпишмаган йўғон овозда:

— Билетларингиз!— деди.

Билет менинг кўкрак чўнтагимда бўлгани учун дарҳол қўлига тутқиздим. Шу билан бирга врач билан Қиз орасида бошланган ва проводник кириши билан узилиб қолган «матч»ни ўз тасаввуримда давом эттирдим. Қарасам Врачнинг масаласи ҳал: яна бир-икки юришдан кейин— мот!.

Каминада бир одат бор. Кишиларни доимо уларнинг лафзига қараб баҳолайман. Қадим бир донишманд айтганидек: «Бир ерга етмаган сўз оғзидан нечук чиқар, бир сўзда турмаган киши телпак нечук киярў?» Яъни бир ишни қиламан дедингми — қил! Бизга ўхшаш шахматчиларнинг тили билан айтганда бировни ютаман дедингми — ют! Бўлмаса тахтани бўшатиб қўй!

Лекин ҳақиқатни айтсам, ҳозир врачнинг мот бўлишига менда жилла розилик йўқ. Сабаб — биринчидан таниш кўринди, иккинчидан китобларнинг ҳурмати. Қолаверса —энди ростига кўча қолай— ўзим ҳам медицина ходими бўлганим учун уни элдан бурун купега «оқсоқол» кутариб қўйишим. У енгилса мен енгилдим ҳисоб. Яъни бошқа сўз билан айтганда «Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр!» деган гап.

Лекин рақибнинг кучини ҳам тан олмай иложи йўқ!

Демак биргина йўли бор. У ҳам бўлса «дуранг!»

Дарвоқи пайтдан фойдаланиб китобларни ҳам бир синовдан ўтказамиз қани, улар манзилга етиб олгандан кейин бел боғлаб хўжаларига холисан хизмат қилишадими ёки эшикдан кира солиб, ёмон қўшнидек тўрга ўтиб кетишадими?!

Проводник ишни битириб ўрнидан турди. Мен дарҳол врачнинг оғзини пойладим. Лекин у тилга келгунича қиз яна ҳужумга ўтди.

— Мени кўчиришдан айнадингиз шекилли?

— Ҳа,— деди врач кулиб.

— Уч сабабга кўра бу фикрдан қайтишга тўғри келди.

— Масалан?

— Биринчидан музикачи бўлганингиз учун.

— Иккинчидан?

—Тасвирий санъат тарихини қунт билан ўрганаётганингиз учун.

Бу гал Қиз қошларини чимирди.

— Хўш?

—Учинчидан бадиий ҳаваскорлик тўгарагига актив қатнашаётганингиз учун.

Қиз қиёфасидаги голиблик йўқолиб, унда дарҳол болаларча соддалик пайдо бўлди.

— Сиз буни қаёқдан билдингиз?

—Сизчи?

— Папиросними?

— Ҳа.

—Бу кишининг чекишидан!— деди у мени кўрсатиб.— Қарасам кўзлари олазарак: Менда шу он шубҳа туғилди. — Қиз яна менга юзланди:— Ёлғонга сира йўққа ўхшайсиз-а?

— Нигирма бешга бориб, ҳали бировдан «ёлғончи» деган гапни эшитган эмасмиз!— дедим керилиб. Лекин шу он тилимни тишладим. Чунки Қиз менга таажжуб билан тикилиб қолган эди.

— Сиз-чи — деди Қиз яна врачга мурожаат қилиб.— Сиз қаёқдан билдингиз?

—Шундан билдимики, — дедн врач.— Сиз сумкадан билет қидираётганингизда учта китобни варақлаб кўрдингиз. Бири санъат китоби, яна бири —нота дафтари. учинчиси бир пардали пьесалар тўплами эди.

Бу гал Қиз ҳандон уриб кулди.

Шу тахлит «матч» мен истаганимча «дуранг» билан якунланди. «Оқсоқоллик»дан сал бўлмаса тушиб қолай деган врач яна ўз мавқеига қайтарилди.

Икки рақиб «матчни» тугатар-тугатмас майдонга мўйлаб бураб Студент чиқди. Афтидан у «дурангдан» рози эмас.

— Қаердан келяпсиз?— деди у юришни бошлаб.

— Каникулдан.

—Студентларда ҳозир каникул йўқ шекилли?

—Тўғри, йўқ. Лекин мен студент эмасман.

—Ия ҳали мактабда ўқийсизми?

— Ҳа, ўнинчи синфда.

—Ана холос!— деди студент гўё ҳафсаласи пир бўлгандек. Мен сиз билан ҳазилашяпман, ишқ-муҳаббат ҳақида суҳбатлашиб кетамиз десам ишлар ҳали «детский сад» денг!

Қиз жавоб беришга улгурмасдан эшикда бир даста чойшаб ва одёл кўтариб, бошқа проводник кирди. Купеда нечта комплект кераклигини сўради. Ҳамма учун врач жавоб берди:

Проводник тўрт комплектни устки полкага ташлаб эшикдан чиқди.

Студент «матч»ни давом эттириш учун яна оғиз жуфтлади, лекин врач қўл кўтариб, унга соатини кўрсатди.

Шу ерда биринчи марта врачни «оқсоқол» кўтарганим учун ўзимдан мамнун қолдим. Чунки у мунозарани тўхтатмаганида тортишув навбати ўз-ўзидан бизга келиб тақалар, унда иш жуда пачава эди.

Купега жимлик чўкди. Врачга кўз қиримни ташладим. Унинг қиёфаси жиддий тус олган. Қизиқ, бу одам кулса, худди ёш бола каби кулади. Агар хаёл оғушига чўмса, гўё мажхул ниқоб кийгандек совуқ тус олади.

У ҳозир ҳам ўшандай алпозда. Папиросни чуқур тортар экан, кузларини ёмғир савалаб турган қопқора дераза ва узоқларда милтиллаб ўтаётган яккам-дуккам чироқлардан узмайди. Бу туришда менга яна таниш кўринади. Лекин уни қаерда учратганимни эслай олмайман.

Студент бошини эшикка суқиб, ҳамон «матчни» давом эттиради.

Ниҳоят у яна купега кирди.

— «Матч» нима билан тугади?— қизиқдим мен.

— Ҳозирча «дуранг», — кулиб қўйди у.— Уни бир ўйинда мот қилиш қийин.

— Икки ўйинда-чи?

— Икки ўйинда бошқа гап...: Фақат тузоқни пухтароқ қўйиш керак.

— Илинади деб ўйлайсизми?

— Бундан зўрроқлари ҳам илинган.:: Фақат муҳлат керак.

— Қанча?

— Масалан, эртага кун ботгунча.

—Илинмасачи?

—Баҳслашамиз.

— Нимадан?

— Битта знёфатдан.

— Келишдик.

Студентнинг гапи менга бир қадар оғир botади. Бунга нима дер экан деб, врачга қарайман. У вазиятини ҳамон ўзгартмай, папирос чекади.

Ногаҳон ялт этиб хотиримга бир учрашув тушади.::

Лекин уми, бошқами — буни айтиш қийин.

Мен учратган кишининг сочи қора, мўйлави йўқ эди. Лекин вақт кимни ўзгартмайди.::

Агар врач мен айтган одам бўлиб чиқса, эрталабдан туриб уни меҳмон қилишга киришаман. Чўнтагимда бир тийин қолмагунча меҳмон қиламан.

Рельсда ғилдираклар тарақлайди.

Мен бошни ёстиққа кўмиб, бундан тўрт-беш йил илгари Фарғонанинг узоқ районларидан бирида район соғлиқни сақлаш бўлими раисининг кабинетида бўлиб ўтган суҳбатни эслайман.

Раис менинг техникумдан берилган қоғозларимни кўздан кечираркан, муовинга мурожаат қилади.

— Йигитчани қаерга юборамиз?

Муовин менн кўздан кечиради: етти сўмлик туфли, тирсаклари шилинган чийбарқут куртка, айвони бир эллик, тугмачали кепкамга тикилади:

—Доктор Саидовга!— дейди у ниҳоят.— Йигитча ёрдамга муҳтож: Бундай ишларни у сиз-биздан яхшироқ қилади.

— Тўғри. Лекин уни безовта қилиш қалай бўларкин?— дейди раис муовинга маъноли қараб.— Мовритимикан?

— У билан докторнинг ўзи шуғулланмайди, албатта. Кўриб танишади, кейин ёру-дўстларидан биронтасига тавсиянома ёзиб беради. Бола ҳам практикасини қилади, ҳам бирон костюмлик бўлиб кетади.

Раис телефон трубкасини олиб, дискни бурайди. Айни вақтда стол тортмасидан расмли журнал олиб, муовинга узатади.

—Дарвоқи. буни ҳали кўрмагандирсиз?.: Алло, ким бу? Ҳамшира? Салом! Менга доктор Саидов керак:..

Муовин журнални варақлар экан, «Доктор Саидов» аталган бир очеркда тўхтайди. Пастда докторнинг кабинетда олинган сурати...

Кейин кўз ўнгимда жаннатдек боғ ва унинг ўртасида қад кўтариб осмон қучган мармардек оппоқ бино жонланади. Касалхона шундай тартиб қилинганки, гўё бу бинони боғсиз ва боғни биносиз тасаввур қилиш қийиндек, рассом уларни холстда эмас. балки бўшликда яратгандек.

Мана оқ халат кийган ширинсўз кекса ҳамшира. Расмда кўрганим кабинет. Доктор Саидовнинг ўзи:.:

Рельслар тарақлайди. Дераздан шамол аралаш ёмғир уриб туради. Мен устки полкадан эгилиб, тунги чироқ ёруғида китоб ўқиш билан машғул бўлган Врачга тикиламан.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши газетанинг 190-сонида)

РАДИО

16 август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. **18,40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19,20** Халқ талантлари концерти. **20,00** «Ленинном»а» программаси (Ўзбекча). **20,30** Ватан ва партия ҳақида қўшиқлар. **21,00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (Ўзбекча). **21,10** Қишлоқ механизаторлари учун концерт. **22,20** Лирик концерт. **23,10** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). **19,30** Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари (русча). **20,00** Лоҳутий ва Шукуҳий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **20,30** Озарбайжон ССР халқ артисти Ш. Алекперова ижросида қўшиқлар. **21,00** А. Абрамский. «Инсон бормоқда» ораторияси. **21,40** «Ленин ва совет мактаби» деган суҳбат (татарча).

17 август

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. **7,45** «Мактаб ва жамоатчилиқ» циқидан (Ўзбекча). **8,25** Сиз ёқтирган артистлар концерти. **9,30** Араб қўйларидан концерт. **10,10** «Табассум» радиожурнали. **11,35** Симфоник рақслар. **12,15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13,30** Совет эстрадасининг таниқли артистлари ижросида концерт. **15,00** Халқ талантлари концерти. **15,50** «Олмалиқ зарбдори» (Ўзбекча). **16,10** «Навоий Астрободда» музикали драмасининг монтажи. **17,40** Экран янгиликлари. **18,00** «Музикали глобус». **18,40** «Игорь Жуков чалади» деган эшиттириш. **19,20** Ўзбекистон артистлари ижросида СССР халқларининг куйлари. **20,00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20,30** Қўшиқлардан-қўшиқларга **21,00** «Мамлакат ва қитъалар» (Ўзбекча). **21,10** Пахта далалари механизаторлари учун концерт. **22,20** «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. **23,20** «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Оммабоп классик куйлар. **9,15** Реклама ва эълонлар. **19,00** Москва, Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19,30** Е. Брусиловский. Олтинчи симфония. **20,00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21,00** Дам олиш концерти (тожикча). **21·40** «Ялла» концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14,00 «Лайли ва Мажнун» операсининг монтажи. **15,30** А. Қутуй. «Жўнатилмаган хатлар» радиопостановкаси (Ўзбекча). **17,00** «Ленинном» программаси. **17,30** «Япон эстрадаси». **18,00** Леонид Утесов оркестри чалади. **19,00** «Табассум» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

16 август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18,00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Азамат ўлка ёшлари». **19,00** Телевизион янгиликлар. **19,15** Ўзбекистон радиоси ва телевиденнеси уйғур ансамблининг концерти. **19,55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Қишлоқ клуби. **21,00** Янгиликлар. **21,10** Интервидение. Байдарка ва каноэда сузиш бўйича Европа биринчилиги. **22,30** Эстрада концерти. **23,30** Социализм дунёси. **24,00** Рангли телевидение программаси. «Болалик хотиралари». Бадиий фильм. **01,05** Янгиликлар. **01,20** Интервидение. Рақс қўшиқлари фестивали. **03,00** Интервидение. Рақс қўшиқлари фестивали (давоми). **03,30** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03,45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20,00 И. Монсеев раҳбарлигидаги Давлат рақс ансамбли (рус тилида).

Ўзбек тилида: 20,40 Спорт ҳафта ичида. **21,00** Халқ куйларидан концерт. **21;40 «Ы»** операцияси ва Щукиннинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 Душанба телестудиясининг кўрсатувлари.

17 август

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9,55 Кўрсатувлар программаси. **10,00** Гимнастика ҳамма учун (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 10,20 «Колокольчик» клуби. **10,50** «Боганч». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 12,10 Қандай дам олмоқдасиз? Эшиттириш Самарқанддан олиб кўрсатилади. **13,10** «Табиат альбомидан бир варақ». Телефильм. **13;20** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик — мангулик». **16,55** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 17,00 Болалар учун. «Ухти-Тухти». Қўғирчоқ фильм. **17,15** «Ахборот» информацион программаси. **17,45** «Канадалик киши» Бадиий фильм. **19,15** Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 19,20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». **20:20** «Ахборот» информацион программаси. **20,50** Хоразмнинг шоли далаларида. **21,10** Қўшиқ ёзувчи шоирлар. Чархий.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун финал ўйинлари. СКА (Ростов-Дон)— «Карпати» (Львов). Танаффус вақтида янгиликлар. **00·15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12,00 Болаларнинг эрталабки гимнастикаси. **12,15** Янгиликлар. **12,30** Ўқувчилар учун. «Будильник» **13,00** Музикали киоска. **13,30** Ўсмирлар учун. «Издовчилар» телеклуби. **14,30** Архитектура ёдгорликлари. **15.00** Интервидение. Ўқувчилар учун ГДР дан эшиттириш олиб кўрсатилади. **16,00** Қишлоқ янгиликлари. **17,00** Рангли телевидение программаси. **17.30** Киносаёҳатчилар клуби. **18,30** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун.

19,00 Интервидение. Байдарка ва каноэда сузиш бўйича Европа биринчилиги. **21,15** «Етти кун»: Халқаро программа. **22,00** Рангли тедевидение программаси. СССР касаба союзлари Бутуниттифоқ ёзги 9-спартакиадасининг тантанали ёпилиши.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

23,30 «Ўт ичида»: Бадиий фильм (Ўзбек тилида):

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17,00 Фрунзе телестудиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|VIII да **Мирзо Улуғбек**, Спектакл кеч соат 7 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17|VIII да **Қайнона**, 18|VIII да **Ажаб савдолар**.

Кино

16 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш (кечқуруи) — САНЪАТ САРОЙИ.

Ҳужумкор бўл — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кечқуруи).

Қўзғолончилар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9,45 минутда).

Бомбай тун оғушида — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Менинг ҳаётимсан (Ўзбек тилида, 1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли (кечқуруи).

Питкиннинг касалхонадаги саргузашти — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Тайга ҳўжайини — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳужумкор бўл — «ХЕВА».

Бомбай тун оғушида — ТЕЛЬМАН номли.

17 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қўзғолончилар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 9,45 минутда).

Бомбай тун оғушида —«ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).

Сокин квартиядаги қотиллик — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

«Трясогузка» армияси яна жанг да (эрталаб соат 9,45 минутда), **Тайга ҳўжайини** (эрталаб 11 ярим да), **Қизларни ўғирлаш** (кундуз ва кечқуруи) —САНЪАТ САРОЙИ.

Ҳужумкор бўл — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Питкиннинг касалхонадаги саргузашти — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Менинг ҳаётимсан (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Райк боладари — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 ярим, кеч 6 ва 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Тайга ҳўжайини — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳужумкор бўл — «ХЕВА».

Бомбай тун оғушида — ТЕЛЬМАН номли.

САНЪАТ САРОЙИДА
18 августдан
янги, рангли, кенг экранли
„УЛКАН СЕВГИ СЕРЕНАДАСИ“
Америка бадиий фильми
НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.
Фильм таниқли италья́н қўшиқчиси Марио Ланцанинг кар қизга бўлган муҳаббати тарихи ҳақида ҳикоя қилади.
«Корона-фильм», «Метро-Голдвин-Майер» (АҚШ) маҳсулоти.
Сеанслар эрталаб соат 11, кундуз 1,5 ярим ва кеч 9 яримда бошланади.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.
Керакли справкалар учун 4-20-34, 4-21-74 телефони орқали мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ
19 дан 25 августгача
Тошкент «Юлдуз тикувчилик фирмаси маҳсулоти — эркаклар костюмининг
КЎРГАЗМАЛИ-САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ
Кўргазмали-савдода кенг ассортиментда замонавий газмоллардан тикилган турли модадаги ва рангдаги костюмлар мавжуд.
Магазинимизга кириб ўзингизга керакли молларни харид қилишингизни сўраймиз.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ ҚОШИДАГИ КИНОАКТЕР ХАЛҚ СТУДИЯСИ
киноактёрлар тайёрлайдиган уч йиллик курснинг ўзбек группасига
1969–1970 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Конкурс 20 дан 28 августгача ўтказилади.
Машғулотлар кечки вақтларда, ҳафтада 4 марта ишлаб чиқаришдан, ўқишдан ажралмаган ҳолда ўзбек тилида олиб борилади.
3 йиллик ўқиш давомида ҳамма имтиҳонларни муваффақиятли топширган студентларга киноактёр студиясини тамомлаганлиги ҳақида «Гувоҳнома» берилади.
Кириш учун ариза, иш жойидан ёки ўқиш жойидан справка, Тошкентда прописнада туришлиги ҳақида справка, фотосурат (9х12 см.) топширадилар.
Киноактёр студияси стипендия ва ётоқхона билан таъминдамайди.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кучаси, 1-уй, телефон 77-95-51.

Умумий сатҳи 72,8 кв[м айвон ва уч хонадан иборат планли уйни камида уч хонали секцияга
АЛМАШАМАН
Ҳовлида, водопровод, газ ва телефон мавжуд.
Адресим: Бединский кўчаси, 1-переулок, 40-уй (2, 16-трамвайлар, 9, 11, 19, 49, 56-автобуслар нинг «Спутник» кинотеатри» бекати). Телефон 35-24-56.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар аҳолисининг талабларини қондириш мақсадида
ТАШКОМИССИОНТОРГ
мебеллар, радиотоварлар, пианино, холодильниклар, кир ювиш машиналари, пилесослар қабул қилиш ва сотиш бўйича
12-КОМИССИОН МАГАЗИН
(Киров ва К. Маркс кўчалари бурчаги):
ишлатиш ва фойдаланиш мумкин бўлган турли молларни қабул қиладиган
22-УНИВЕРСАЛ КОМИССИОН МАГАЗИН
(Чидонзор массиви, 12-квартал):
болалар кийимлари, пойафзаллари, аравачалари ва бошқа нарсаларини қабул қиладиган
6-УНИВЕРСАЛ КОМИССИОН МАГАЗИНЛАРИНИ
(Чилонзор массиви, 5-квартал, 1-уй).
ОЧДИ
КОМИССИОН МАГИЗИНЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент шаҳар Октябрь райониди 40-мактаб томонидан Ёқубов Адҳам Яҳёевич номига берилган 614621-сонли йўқолган
УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА
тайёр маҳсулотлар омборчилари ва омбор юкчилари, таксировкачи бухгалтер-ревизор, боғбон, мороженое ва унинг идиши тайёрланадиган фабрикага ишчилар (хотин-қизлар), электр монтёрлар, компрессор цехи машинистлари, турли хил қурилиш ишчилари (маош ишбай асосида тўланади), холодильникларга юкчилар (маош ишбай асосида тўланади)
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6- уй (5, 7, 12, 26-автобуслар нинг «1-Винзавод», 16-автобуснинг «Фигельский» бекатлари). Телефонлар: 66-24-05, 66-24-07, 66-24-09, 66-34-64.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТАШКОМИССИОНТОРГ
Тошкент шаҳар аҳолисидан кичик габаритли буюмларни уйларини ўзида баҳолаш ва комиссияга қабул қилиш юзасидан заявкалар қабул қилади.
Товаршунос уйга чақиридиганда комиссияга топшириладиган буюмларнинг сони камида учта бўлиши керак.
Заявкалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 10 дан кундуз 5 гача 33-74-12 телефонлари орқали қабул қилинади.
Буюмларни баҳодаш учун юбориладиган товаршунос-баҳоловчилар махсус гувоҳномалар билан таъминланган.
Буюмларни баҳолаш-қабул қилиш билан боғлиқ бўлган чиқимларни буюм топширувчи тўлайди:
чақиртирилганлиги учун —1 сўм,
ҳар бир қабул қилинган буюм учун — 15 тийин.
ТАШКОМИССИОНТОРГНИНГ ҚУШИМЧА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!



ҲОДИСА

МЕДИКЛАР КЎМАГИ

Яқинда Чилонзор массив, 52-уй, 59-квартирада оғир жиноят содир бўлди. Безори Мухторов деган шахс Алимардонов квартирасида Ражаб Ўразметовни пичоқлаб қочган. Воқеадан хабардор бўлган қўшнилар дарҳол медицина ёрдами кўрсатиш станциясига қўнғироқ қилишган.

Шу заҳотиёқ етиб келган 9-подстанция медиклари врач Бутаков ва фельдшер Парпиевлар беморга тегишли биринчи ёрдам кўрсатиб тезда касалхонага олиб келишди.

Ярадор оператив кўрсатилган ёрдам натижасида ўлимдан сақлаб қолинди. Медицина ходимлари эса олийжаноб ва мардлик кўрсатиб, жиноятчини ушлашда милиция ходимларига катта ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг ҳушёрлиги ва чаққонлиги туфайли жиноятчи қочиб қутула олмади.

Шифокорлар инсон саломатлиги йўлида ғамхўрлик қилибгина қолмай, балки жамиятимиз шаънига доғ тушираётган айрим безори муттаҳамларни қўлга туширишда ҳам фаол қатнашдилар.

Р. ТИЛЛАЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 16 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» горкома КП Узбекистана орган Ташкентского и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР 2826 Р 16360